

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 2 июль • сешанба № 25 (865)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳалла — халқ виждони

Неча асрларки, юртимизда бу ибора ўз кучини йўқотгани йўқ



МАҲАЛЛА ўзбек халқининг қадимдан шаклланиб келган ва ҳозирда ҳам ўз амалий аҳамиятини йўқотмаган ўзини ўзи бошқаришининг муҳим институти ҳисобланади.

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласи Давлат дастурлари доирасида амалга оширилган вазифа сифатида баҳоланиб, алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2013 йил 14 февралдаги "Обод турмуш йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарориди ҳам маҳалла институтини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда ваколат-

ларини кенгайтириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда уларнинг роли ва аҳамиятини ошириш масаласи устувор йўналиш сифатида белгиланди. Мазкур Дастур ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 22 апрелида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинди. Ушбу Қонунда аввалги тахрирдаги Қонундан фарқли ўлароқ, аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бош-

қариш органлари ваколатлари ва функциялари кенгайтирилиб, уларнинг фуқаролар йиғинлари ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш борасидаги ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Янги тахрирдаги Қонунга киритилган энг муҳим янгиликдан бири — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида маслаҳат марказларини ташкил этиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланганидир.

Қонуннинг 17-моддасига кўра, мазкур маслаҳат марказлари юридик шахс бўлмастан, уларнинг харажатлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағлари ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳошимий хайриялари ҳисобидан қоплашни мумкинлиги белгилаб қўйилди. Мамлакатимизда нафақат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга, балки уларнинг раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда одилона ўтказиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада эса, "Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг масла-

ҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахрирда (2013 йил 22 апрель) қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Қонунда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларини ўтказиш тартиби янада такомиллаштирилиб, унда сайлов тартиб-тартибларини ошқоралиги ва демократиялигини таъминлашга, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини оширишга, фуқаролар йиғинлари раисини лавозимига номзодларнинг касбий сифатларига бўлган қўшимча талабларни белгилашга оид муҳим ўзгариш ва қўшимчалар билан бойитилди.

Биринчидан, янги тахрирдаги Қонунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш мuddатлари аниқ кўрсатилди. Унга кўра, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш мuddатлари сайлов бошланишидан қамада икки ой олдин Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

Иккинчидан, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида аввалги тахрирдаги Қонундан фарқли равишда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмаклашувчи комиссияни тузилиши ва ушбу комиссиянинг ваколатлари белгиланди.

Учинчидан, сайловлар тартиб-тартибларининг ошқоралиги ва демократиялигини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркибига фуқаролар йиғини органларининг бошқа ходимлари, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодларнинг, фуқаролар йиғини органлари бошқа ходимларининг яқин қариндошлари киритилиши мумкин эмаслигини белгиловчи янги норма киритилди.

Тўртинчидан, аввалги қонунчиликка кўра, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича фақат фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг вакилларига киритилган бўлса, эндиликда халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутатлари ҳам киритилиши белгиланди.

Бугун — Давлат герби қабул қилинган кун

Ватанга меҳр

Давлат рамзларига

ҳурматдан бошланади

МАЪЛУМКИ, давлат рамзлари ҳар бир миллатнинг, халқнинг миллий мустақиллигини, унинг кўп минг йиллик тарихий анъаналарини, моданиятини, маънавий ва умуминсоний қадриятларини, бугун ҳамда истиқболдаги буюк мақсад ва интилишларини ўзида ифода этувчи тинимсиз лардир.

БУГУН мустақиллигимиз рамзи — "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлигига 21 йил тўлади.

Албатта, ушбу тарихий сана арафасида миллий рамзларимиз, унинг мазмуни ва моҳияти ҳамда юқориди қонун ҳужжатининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида кўп фикр-мулоҳазалар юритиш мумкин. Лекин аниқ пайтда фуқароларда давлат рамзларига нисбатан ҳурмат ҳиссини янада мустаҳкамлаш, аниқса, давлат рамзларига оид қонун ҳужжатларининг бир хилда ижросини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида қандай муаммолар мавжудлиги ҳақида сўз юритиш шубҳасиз, ҳеч кимни бепарқ қолдирмайди. Сабаби, давлат рамзларига оид қонун ҳужжатларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида ижросини таъминлаш бўйича янада ўтказилган мониторинг таҳлили ҳам бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳали-ҳануз айрим муаммо ва қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Буни эса Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг вилоят ҳудудий бўлими томонидан қарийб 40 дан орტიқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси-нинг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонунлар талабларига риоя этилишини ўрганиш бўйича ўтказилган мониторинг натижаларидан ҳам кўриш мумкин.

Аввало, шунингдек, қайд этиш кераки, ўрганишлар натижасида туман (шаҳар) ИИБ ХООБ профилактика инспекторлари томонидан давлат рамзларига оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаган масъул мансабдор шахсларга нисбатан жами 26 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди ҳамда 17 та ҳолатда аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида расмийлаштирилган маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда чора қўриш учун туман (шаҳар) ИИБ ХООБ профилактика бўлимига юборилди, шунингдек, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан фаолият ўрганишга тегишли идора ва ташкилотларга 19 та тақдирнома киритилди.

Хусусан, Чироқчи тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими расмий бланкаларидаги давлат герби тасвири сўл томонда чаноқлари очилган ғўза соҳлари тасвири туширилган гербдан фойдаланиб келинаётганлиги, туман ҳокимлиги биносининг олд томонида эса Ўзбекистон Республикаси давлат герби жойлаштирилмаганлиги аниқланди ва мазкур ҳолатлар бартараф этилди.

Бундай қонунбузилиш ҳолатларига Қарши, Косон, Шаҳрисабз тумани ҳокимликлари ҳамда ушбу ҳудудлардаги давлат солиқ инспекциялари ва давлат санитария-эпидемиология назорат марказларида ҳам йўл қўйилган.

Қарши шаҳар ҳокимлигининг Фуқароларни қабул қилиш хонасида ҳамда вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи хизмат хонасида давлат байроғи мавжудлиги аниқланиб, мазкур ҳолатлар бартараф этилди.

Бундан ташқари, Касби, Китоб, Косон, Миришкор, Чироқчи, Шаҳрисабз, Қарши туманлари ва Қарши шаҳар ҳокимлари томонидан давлат байроғининг байрам кунларида — белгиланган марказий кўчаларда, майдонларда, бошқа жамоат жойларида ва объектларда қонунда белгиланган тартибда кўтарилиши ҳамда тушириб қўйилишини тартибга солиш бўйича қарорлар қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилмаган. Шунингдек, Косон тумани ИИБ маъмурий биноси олдида ҳамда Чироқчи тумани ҳокимлиги маъмурий биноси жойлашган Мустақиллик кўчасида жойлаштирилган реклама баннерида тасвирланган давлат байроғи ва давлат гербининг тасвири қонун ҳужжатларида белгиланган тасвирга мос эмаслиги, Косон тумани "KOSON NGQE" шўъба қорхонаси ва вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати биноси олд тарафида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи мавжудлиги ўрганиш давомида аниқланди.

Ваҳоланки, "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида ва "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида юқориди ташкилот ва муассасаларнинг маъмурий биносида ҳамда хизмат хоналарида давлат байроғи ва давлат герби бўлиши белгиланмаган.

Албатта, давлат рамзларига оид қонун ҳужжатлари талабларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тегишли ташкилот ёки идоралар раҳбарларига нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида баённомалар расмийлаштирилди. Чунончи, "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида ушбу Қонуннинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши қайд этилган.

Албатта, ушбу соҳада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари жойида бартараф этилиб, давлат рамзларига оид қонун ҳужжатларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан риоя этилиши маълум маънода таъминланди.

Алишер ИСОҚОВ, Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Қашқадар вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

Адлия вазирлигида

Сўз қудрати — таъсирчанликда

БУГУНГИ КУНДА ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси, балки аниқ вақтда ахборот ва коммуникация тармоғи сифатида амалда ишлаб чиқаришнинг етакчи йўналишларидан бирига, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларнинг ривожига ҳал қилувчи энг замонавий соҳага айланмоқда.



27 ИЮНЬ — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрами муносабати билан Адлия вазирлигида муассасилдаги нашрлар ижодкорлари, техник ходимлар иштирокида тадбир ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Н.Йўлдошев соҳа ходимларини касб байрамлари билан табриқлаб, юртимизда бу санани миллий оммавий ахборот воситалари байрами сифатида кенг нишонлаш яхши анъаналарга айланганини, мамлакатимиз кундан-кунга қандай катта ютуқ ва марраларни қўлга киритаётган бўлса, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам гоят муҳим янгиликни жараёнлари юз бераётганлигини таъкидлади. Қайд этилганидек, оммавий ахборот

воситасини ҳаракатга келтирувчи куч, маҳсулот яратувчиси — ижодкордир. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари туфайли шахс, жамият ва давлат ўртасида доимий алоқа, ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик муҳити вужудга келиб, унинг ҳаётийлиги таъминланади, буни бевосита қалам аҳли — ижодкорларнинг меҳнатисиз тасаввур этиш қийин.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг тўла ҳуқуқий асослари яратилди. Фаолиятнинг бевосита конституциявий асослари янада мустаҳкамланиб, соҳага оид 10 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди, ушбу касб эгаларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Салоҳият

Интеллектуал мулк

иқтисодий тараққиётнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда

БУГУНГИ бозор муносабатлари шароитида интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий ҳимояси қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, хусусан, уларнинг муҳофазаси ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, мазкур объектлардан ҳуқуқ эгалари розилигисиз фойдаланиш каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, интеллектуал мулк эгаларига етказилган зарарни баҳолаш ва уни қоплашнинг самарали механизмларини амалиётга татбиқ этиш, шу билан бирга, соҳага оид суд амалиётини янада ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданок бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Утган даврда Фуқаролик, Жиноят, Солиқ ва Божжона кодекслари ҳамда "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноят намуналари тўғрисида"ги, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой ном-

лари тўғрисида"ги, "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги, "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги, "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонунлар, юздан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Ҳозирги пайтда мазкур ҳужжатлар интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатлари муҳофазасида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, 2011 йил 26 декабрда қабул қилинган "Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ин-

теллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормаларини унификациялаш ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш билан бир қаторда, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгалари манфаатлари муҳофазасининг самарали усуллари ва воситаларини янада кенгайтиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан, интеллектуал мулк соҳасида бир-биридан мустақил фаолият юритиб келган Давлат патент идораси ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилиши соҳа ривожига муҳим омил бўлганлигини айтиш зарур.

